

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ,
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

УСМАНОВА ЭЛМИРА МАМАРАФИКОВНА

**СТРЕПТОКОККЛИ АНГИНА, ТАШХИСОТИ ВА ДАВОЛАШ
ЙЎЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.10 – Юқумли касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Усманова Элмира Мамарафиковна Стрептококкли ангина, ташхисоти ва даволаш йўллари такомиллаштириш	3
Усманова Элмира Мамарафиковна Стрептококковая ангина, совершенствование путей диагностики и лечения	2 3
Usmanova Elmira Mamarafikovna Streptococcal sore throat, improvement of diagnosis and treatment	4 3
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	46

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ,
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

УСМАНОВА ЭЛМИРА МАМАРАФИКОВНА

**СТРЕПТОКОККЛИ АНГИНА, ТАШХИСОТИ ВА ДАВОЛАШ
ЙЎЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.10 – Юқумли касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Tib905 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институти, Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Таджиева Нигора Убайдуллаевна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Ибадова Гулнара Алиевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Худайкулова Гулнара Каримовна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етақчи ташкилот:

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Диссертация химояси Тошкент тиббиёт академияси, Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «___»_____куни соат__даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел/факс: (+99871) 150-78-25.

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____рақам билан рўйхатга олинган.). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел.: (+998 78) 150-78-25).

Диссертация автореферати 2022 йил «___»_____куни тарқатилди.
(2022 йил «___»_____даги_____рақамли реестр баённомаси)

Л.Н. Туйчиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Х.Ю. Ахмедова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш аъзоси, тиббиёт фанлари доктори

Б.М. Таджиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда стрептококк инфекцияси (СИ) барча мамлакатларда жиддий муаммолардан бири бўлиб, бу А гуруҳи стрептококкларнинг кенг тарқалиши ва ушбу патологиядан келиб чиққан ижтимоий-иқтисодий зарар билан белгиланади. СИ нинг долзарблиги унинг тарқалиши, касалланиш даражасининг юқорилиги, турли хил клиник шакллар ва уларнинг асоратлари ҳамда эпидемик жараён айнан болалар орасида кенг тарқалиши билан боғлиқдир. Юқори касалланиш даврида «...ушбу касалликдан ўлим даражаси 20-25% ни ташкил этган»¹. Бирламчи ревматизмнинг тарқалиши ва унинг асоратларини учраши, диффуз гломерулонефрит, йирингли ва некротик лимфаденит, йирингли отит касалликлари стрептококкли ангина билан чамбарчас боғлиқдир. ЖССТ маълумотларига кўра, стрептококк инфекцияси билан боғлиқ юракнинг зарарланиши, барча юрак касалликларининг 37- 75% ини ташкил этади. Бу муаммонинг долзарблиги стрептококкли ангинанинг ташхисоти ва даволаш йўллари тақомиллаштириш лозимлигини белгилайди.

Жаҳонда стрептококк инфекцияси билан касалланганларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини оширишга қаратилган тадбирларнинг юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада, ўткир тонзиллитларда *S.pyogenes* нинг аҳамиятини асослаш; беморлардан ажратилган *S.pyogenes* штамmlарини генетик хусусиятларини ҳамда микробларга қарши дори воситаларига чидамлилигини аниқлаш; ўткир тонзиллитда микробларга қарши дори воситаларини мақсадли қўллаш тизимини татбиқ этиш; стрептококкли ангинадан сўнг асоратлар ривожланиши эҳтимоли юқори бўлган хавfli омилларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш усулларини ишлаб чиқиш; стрептококкли ангинани эрта ташхислаш усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш; стрептококкли ангинали беморларни даволаш ва реабилитация чора-тадбирларини замонавий тизимини ишлаб чиқиш ва соғлиқни сақлаш амалиётига тадбиқ этиш кабилар алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббий хизматни ривожлантириш ҳамда жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, юқумли касалликларни клиник-патогенетик хусусиятлари, ташхислаш ва даволашни оптималлаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш»² каби

¹ Брикo, Н.И. Болезни, вызываемые стрептококками группы А в начале XXI века: проблемы и перспективы профилактики / Н.И. Брикo // Эпидемиология и инфекционные болезни. – 2010. - № 2. – С. 3 – 6.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан тақомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармони.

вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишни стрептококкли инфекцияларда, айнан стрептококкли ангиналар соҳасидаги ўтказилган илмий тадқиқотлар беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985 «Шошилинич тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтда стрептококк инфекциясининг долзарблиги юқори касалланиш даражаси, турли хил клиник шакллари ривожланиши, яъни скарлатина, тонзиллитдан кейинги ўткир ревматик иситма, юрак ревматик иситмаси билан боғлиқ (de Dassel D., Carapetis R., 2015). Бундан ташқари, ўткир тонзиллитни даволашда кўпинча микробларга қарши препаратлардан асоссиз, назоратсиз қўлланилиши билан тавсифланади (Полякова А.С. ва бошқ., 2018, Плавунов Н.Ф. ва бошқ., 2020.). ЖССТ маълумотларига кўра, 18,1 миллион киши А гуруҳидаги стрептококклар келтириб чиқарадиган оғир касалликлардан азият чекмоқда, шундан 15,6 миллион киши - ревматик юрак касалликларидан. Ҳар йили 1,8 миллионга яқин янги ҳолатлар қайд этилади, 500 мингдан ортиқ одам вафот этади, бунга 11 миллион стрептодерма ва 616 миллион фарингит ҳолатларини қўшиш керак. Ўткир респиратор касалликлар таркибида стрептококк томоқ оғриғи грипидан кейин иккинчи ўринда туради (Феклистов Б. ва бошқ., 2006; Крюкова С.В. ва бошқ., 2007; Гарашченко Т.Н. ва бошқалар, 2007; Эршова М.И. ва бошқалар, 2007; Канкасова М.Н. ва бошқалар, 2009; Шербакова М.Ю., 2009). Стрептококк инфекциясининг уюшган гуруҳларда тез тарқалиши, меҳнатга лаёқатли ёшдагиларни кўпроқ зарарлаши, иқтисодий зарар келтирувчи асоратларни ривожланиши, ушбу инфекциянинг тиббий ва ижтимоий жиҳатдан аҳамиятини белгилайди (Белов Б.С., 2006). Ўтказилган тадқиқотларига кўра А гуруҳидаги β- гемолитик стрептококкнинг микробларга қарши даволашни баҳолашда, унинг пенициллинлар, макролидларга ва цефалоспоринларга сезгирлигини ҳамда сульфаниламидлар, тетрациклинлар ва аминогликозидларга чидамлилиги аниқланди (Иващук В.В. 2006).

Ўзбекистонда ўткир тонзиллофарингитнинг этиологиясини аниқлаш бўйича усулларни қўллашдан кенг фойдаланмаслик, ҳозирда тезкор синамалардан амбулатория шароитида кенг қўлланилиши мақсадга мувофиқлиги қайд этилмоқда, улар бодомсимон безлар юзасидан ва фарингеал орқа девордан суртмаларда стрептококк антигенларини аниқлашга асосланган (Даминов Т.А., Туйчиев Л.Н., Таджиева Н.У., 2020). Шунинг таъкидлаш кераки, ўткир тонзиллитларда асосий кўзгатувчилардан бири бўлиб *S.pyogenes* ҳисобланади ва ушбу кўзгатувчининг штаммлари пенициллинга юқори сезгирлиги билан ажралиб туради, ҳозирги даврга келиб, чидамли штаммлар аниқланмаган (Абдухалилова Г.К., Бектемиров А.М.-Т. ва бошқ., 2015).

Ушбу йўналишдаги беморларни эрта ташхислаш, даволаш тартибининг замонавий тактикасини ишлаб чиқиш инфектологиянинг долзарб муаммоларидан ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган (Давлат рақами 001616-сонли).

Тадқиқотнинг мақсади стрептококкли ангинанинг ташхисоти ва даволаш йўллари тақомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

беморларда ўткир тонзиллит ривожланишида *Streptococcus pyogenes* нинг этиологик аҳамиятини аниқлаш;

S.pyogenes келтириб чиқарган тонзиллитнинг замонавий босқичдаги клиник намоён бўлишини асослаш;

стрептококк ангинани эрта ташхислаш учун экспресс синаманинг диагностика самарадорлигини баҳолаш;

S.pyogenes нинг микробларга қарши препаратларга сезгирлигини аниқлаш асосида стрептококкли тонзиллитни даволашга ёндашувларни тақомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт марказининг ва Андижон вилоят юқумли касалликлар шифохонаси ҳаво-томчи бўлимига ўткир тонзиллит ташхиси билан ётқизилган 7 ёшдан 63 ёшгача бўлган 223 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида 223 нафар ўткир тонзиллитли беморлардан олинган қон зардобини, бодом безларидан суртма, *S.pyogenes* штаммлари (n=53) олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни амалга ошириш учун умумий клиник ва лаборатор текширувлар, бактериологик (*S.pyogenes* ва бошқа патогенларни ажратиш), иммунохроматографик (*S.pyogenes* антигенини экспресс тест усулида аниқлаш) ва статистик усуллари билан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ўткир тонзиллит билан оғриган беморларда *Streptococcus*

pyogenes нинг этиологик аҳамияти исботланган;

стрептококкли ангинанинг замонавий клиник кўринишида - ўткир бошланиши, оғир интоксикация, бодомсимон безларнинг гипертрофияси, нейтрофил лейкоцитоз, 29,2% ҳолатда асоратларни ривожланиши сақланиб қолганлиги асосланган;

ўткир тонзиллитларни этиологик сабаблари аниқланиб, ҳозирги даврда бактериал тонзиллитнинг гипердиагностикаси ва стрептококк ангинанинг гиподиагностикаси хослиги исботланган;

беморлардан ажратилган *Streptococcus pyogenes* штамmlарининг макролидлар ва тетрациклинлар гуруҳлардаги антибактериал препаратларга чидамлилиги исботланган;

ўткир тонзиллитли беморларда стрептококкли ангинани эрта ташхислаш ва антимикроб дори воситаларини қўллаш бўйича ёндошувлар такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўткир тонзиллитларда *S.pyogenes* нинг аҳамияти асосланган;

ажратилган *S.pyogenes* штамmlарининг антимикроб дори воситаларига сезгирлик спектри аниқланган;

ўткир тонзиллит билан касалланган беморларда стрептококкли ангинани эрта ташхислашда экспресс диагностик тестларни кенг ишлатилишининг аҳамияти исботланган;

ўткир тонзиллитли беморларда стрептококкли ангинани эрта ташхислаш ва антимикроб дори воситаларини қўллаш бўйича чора-тадбирлар такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертация ишида қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада беморлар танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник-лаборатория, бактериологик, иммунохроматографик ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги билан белгиланади. Стрептококк этиологияли ўткир тонзиллит касаллигининг тарқалганлиги, юқиш омиллари, йўллари ва унинг асоратларини олдини олиш чора-тадбирларини такомиллаштиришнинг ўзига хослиги, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация тадқиқоти натижаларининг илмий аҳамияти, ўткир тонзиллитнинг этиологик таркибини аниқлаш, стрептококкли тонзиллитда, *S.pyogenes* этиологиясини экспресс диагностик тест ёрдамида эрта ташхислашнинг аҳамиятини, ҳамда бактериологик текширув натижасида ажратилган *S.pyogenes* сезувчанлик спектрини аниқлаш, антибактериал дори воситаларини ўз вақтида тўғри қўллаш, эрта ва кечки асоратлар ривожланишини олдини олиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, ўткир тонзиллитни эрта этиологик тасдиқлашда экспресс тестдан фойдаланиш зарурлиги ҳамда ушбу касаллик билан касалланган беморларни антибактериал даволаш бўйича

тавсиялар алгоритмини ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Стрептококкли ангинанинг ташхисоти ва даволаш йўллари такомилаштириш бўйича олинган илмий натижаларга асосланиб:

S.pyogenes чақирилган ўткир тонзиллитнинг ташхисоти ва антибактериал даволаш бўйича олинган натижалари асосида «*S.pyogenes* чақирилган ўткир тонзиллитнинг ташхисоти ва антибактериал даволаш» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 06 апрелдаги 8н-д/129-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома *S.pyogenes* билан чақирилган ўткир тонзиллитнинг эрта ташхислаш ва микробларга қарши дори воситаси билан даволашни оқилона танлаш имконини берган;

стрептококкли ангиналарнинг замонавий клиник-лаборатория хусусиятлари, ташхислаш ва унинг даволаш чора-тадбирларини такомилаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Андижон вилояти, Асака тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли 2-чи кўп тармоқли марказий поликлиникасида, Андижон вилояти Избоскан тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли юқумли касалликлар бўлимида амалиётга татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 02 февралдаги 08-09/3637-сон маълумотномаси). Жорий қилинган натижалар стрептококкли тонзиллитни эрта ташхислаш, ўткир тонзиллитларда антибактериал дори воситалардан мақсадли ёндошиб, асоратлар ривожланишини олдини олиш, антибактериал резистентликни олдини олиш, беморларни даволаш вақтини қисқартириш ҳамда беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга имкон яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 113 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предметлари шакллантирилган, Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ этилганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар асослаб берилган.


Диссертациянинг «**Стрептококк инфекциясининг ташхисоти, даволаш ва олдини олишга ёндашувнинг замонавий ҳолати**» деб номланган биринчи бобида, муаммонинг замонавий ҳолатини очиб берувчи маълумотлар келтирилган. *Streptococcus pyogenes* нинг хусусиятлари, тавсифи, микробларга қарши дори воситаларига сезгирлиги, стрептококкли ангинанинг этиологияси, эпидемиологияси, патогенези, клиник кўриниши, эрта ва кечки асоратларни ривожланиши, махсус лаборатория ва қиёсий ташхисотига доир муаммолар ҳақидаги маълумотлар баён этилган. Касалликни ўрганиш бўйича талаб этиладиган масалалар белгиланган ва тадқиқотни ўтказиш заруриятини асосланган.

Диссертациянинг «**Замонавий босқичда стрептококкли ангиналарнинг ташхисоти ва даволашни такомиллаштиришнинг клиник материаллари ва текшириш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида текширилган беморларнинг умумий тавсифи ва текшириш усуллари баён этилган. Тадқиқотлар 2018 йилдан 2019 йилгача бўлган даврда Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлари илмий-амалий тиббиет марказининг клиникасига ва Андижон вилояти юқумли касалликлар шифохонасининг ҳаво-томчи бўлимига ўткир тонзиллит ташхиси билан даволанган 223 нафар беморларни текшириш ва даволаш таҳлилий натижалари баён этилган. Барча беморлар умумий клиник текширувдан ўтказилган, унда эпидемиологик анамнез ва клиник текширувлар ўрганилган. Ўткир тонзиллитнинг этиологиясини аниқлаш учун

223 нафар беморларнинг бодомча безлари юзасидан бактериологик текширувга суртма олинган, шундан 53 та *Streptococcus pyogenes* штаммлари ажратиб олинган ва антибиотикларга сезгирлиги ўтказилган.

Тадқиқот яқунлангандан кейин олинган маълумотлар статистик қайта ишлашни ўтказиш учун Excel (Statistica 7.0 for Windows) муҳаррирлик жадвалига киритилган. Ҳар бир параметрни статистик таҳлил қилишда қуйидаги асосий тавсифлар ҳисобланган, ўртача, ўртача квадратик оғиш, ўртача статистик ишончлилик. Гуруҳлар ўртасидаги натижалар ишончлилигини баҳолашда Стюдент мезонлари қўлланилган. Натижалар $p < 0,05$ бўлганда ишончли деб ҳисобланган.

Диссертациянинг «**Текширилган беморларда ўткир тонзиллитнинг этиологик таркиби**» деб номланган учинчи бобида 7 ёшдан 63 ёшгача бўлган текширилган беморларда ($n=223$) ўткир тонзиллитнинг этиологик таркибини таҳлил қилиш натижалари баён этилган. Бизнинг тадқиқотимизда ўткир тонзиллитнинг этиологик агентини аниқлаш учун бактериологик тадқиқот ўтказилди ва *S.pyogenes* эрта аниқлаш учун иммунохроматографик усулида экспресс-тестдан фойдаланилган. Таҳлил натижалари 1-расмда келтирилган.



1-расм. Ўткир тонзиллит билан касалланган беморлардан олинган намуналарни бактериологик текшириш натижалари (n = 223)

Шундай қилиб, 223 нафар беморлардан олинган намуналарни ўрганишнинг бактериологик усули 53 нафар (23,7%) беморларда *Streptococcus pyogenes*, 42 нафар (18,8%) беморларда *Staphylococcus aureus*, 27 нафар (12,2%) беморларда *Staphylococcus aureus+Candida spp.*, *Staphylococcus spp.* (6,7%), *Staphylococcus epidermidis* (5,4%) беморларда, 74 нафар (33,2%) беморларда салбий натижа олинди.

Бактериологик тадқиқотлар билан бир қаторда, ўткир тонзиллитнинг этиологиясини аниқлашни такомиллаштириш мақсадида иммунохроматографик тест - экспресс-тест (Streptotest) қўлланилди.

Бактериологик тадқиқот натижалари билан қиёсий таҳлилда экспресс-тест натижалари шуни кўрсатдики, *S.pyogenes* келтириб чиқарган ўткир тонзиллит билан касалланган ўткир тонзиллит (ЎТ) 53 нафар бемордан бактериологик текширув билан тасдиқланган, 47 ҳолатларда стрептотест ва бактериологик текширув натижалари ижобий булган, 26 нафар беморларда эса натижа стрептотест мусбат бўлиб, бактериологик текширувда *S.pyogenes* аниқланмаган.

Мавсумга қараб *S.pyogenes* ни аниқланиш қўлами ҳам таҳлил қилинди. Шундай қилиб, бизнинг тадқиқотимизда беморларда *S.pyogenes* ни аниқлашнинг энг юқори даражаси йилнинг баҳор ойларида (март - май) қайд этилган (38 / 43,3%), қишки даврдаги ҳолатларда беморлар сони 14 / 17,7% ни ташкил этди. Куз даврида 22/27,84% ва ёз ойларида 5/6,32% ҳолатларда аниқланди. Мавсумга қараб стрептококкли тонзиллитнинг пайдо бўлиш даражаси таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, беморларни касалхонага ётқизиш баҳорда касалликларнинг кўпайиши билан тавсифланади.


Шундай қилиб, текширилган беморларни ёши бўйича тақсимланганда, беморлар орасида 7-14 ёшли (24%) ва 19-30 ёшли (41,8%) ёшдаги беморлар кўпроқ эканлиги аниқланди. Уларнинг сони 15-18 ёшли (11,4%), 31-40 ёшли

(11,4%), 41-50 ёш (7,6%), 51 (3,8%) ёш ва ундан катта ёшдаги беморларнинг сонидан сезиларли даражада ошиб кетган ($p < 0,05$). Текширилаётган беморларнинг ёшига қараб стрептококкли ангинанинг пайдо бўлиш частотасини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, стрептококкли ангина билан оғриши кўпроқ 7-14 ёш ва 19-30 ёшдаги беморларда қайд этилган.

Стрептококкли ангина билан оғриган беморларни касалхонага ётқизиш муддатларини таҳлил қилганда, касалликнинг бошланишига қараб, касалликнинг бошланишидан иккинчи кунда беморларнинг 39/49,4% ётқизилганлиги маълум бўлди, бу касалликнинг бошланишидан 5 кун олдин ётқизилган беморларга нисбатан ($p < 0,05$) юқорилигини аниқлайди, бу беморларнинг 21/26,6% ни ташкил этди ва беморларнинг 19/24% касалликнинг бошланишидан бошлаб 5 ёки ундан ортиқ кун давомида касалхонага ётқизилган.

Барча текширилган стрептококкли тонзиллит билан оғриган беморларда (79/100%) касалликнинг ўткир кечиши, тана ҳароратининг $39-40^{\circ}\text{C}$ кўтарилиши, интоксикация симптомларини кучайиши, томоқ оғриғи, бош оғриғи, холсизлик, иштаҳанинг йўқолиши каби белгилар билан тавсифланади.


Стрептококкли ангинали беморлардаги асосий клиник белги бўлиб, 11 нафар (14%) беморларда бўйин, чакка ва кулоқ соҳаларига оғриқлар тарқалиши кузатилган. Текширувда 46 нафар (58,2%) беморда жағ ости лимфа тугунларининг оғриши ва катталашиши аниқланган. Шунингдек, 32 нафар (40,5%) беморларда бўғимларда оғриқ, 11 нафар (14,2%) беморда йўтал кузатилган (2-расм).



Изох: * - кўрсаткичлар орасидаги фарқ нисбатан ишончли ($p < 0,05$)

2-расм. *S.pyogenes* чақирган ўткир тонзиллитнинг клиник белгилари (n = 79).

Иситма ва интоксикациянинг давомийлиги касалхонада қолиш муддати ва патогенетик терапия давомийлигини белгиловчи омиллардан биридир. Биз кузатган беморларда иситмалаш даврининг ўртача давомийлиги $3,3 \pm 0,1$ кунни ташкил этди. Барча (100%) беморларда бодомсимон безларида типик ўзгаришлар кузатилган: катталашган, шишган, қизарган, (36 / 45,6%) беморларда турли ўлчамдаги ўчоқли йиринг билан қопланганлиги аниқланган: беморларнинг 7/8,9% бодомча безларининг тўлиқ йиринг билан қопланган. Беморларнинг 45,6% ёрқин гиперемия фонида шиллиқли қопламалар кузатилган (3-расм).



кўрсаткичлар орасидаги фарқ нисбатан ишончли ($p < 0,05$)

3-расм. Беморларнинг бодомча безларидаги кузатилган маҳаллий ўзгаришларнинг таҳлили натижалари

S. pyogenes келтириб чиқарган ўткир тонзиллитнинг клиник намоён бўлиши ўткир бошланиши, иситма ва интоксикация белгилари билан ажралиб турди, касаллик бошланганидан бошлаб ўртача 4-5 кун давом этди, бодомсимон безларидан қопламалар аста-секин йўқолди, 3-4 кунда аввал қоламалар йўқолди, кейин касаллик бошлангандан бошлаб 5-7 кун ўтиб гиперемия ва шишлар камаяди. Қопламалар узокрок вақт мобайнида сақланиб турган, яъни лакунар ангинада 5-6 кун, фолликуляр ангинада 4-5 кун давомида.

Асосан маҳаллий жараённинг табиатига кўра, катарал тонзиллит ташхиси 36 (45,6%) беморга, фолликуляр тонзиллит - 36 (45,6%), лакунар тонзиллит ташхиси – 6 нафар (7,6%) беморга қўйилган. Бир нафар (1,26%) беморда фибриноз-некротик тонзиллит аниқланган.

Текширилаётган беморларнинг гемограмма индекслари ҳам таҳлил қилинди. Шундай қилиб, гематологик маълумотлар лейкоцитоз билан тавсифланади, бу оғирлик шаклига ва асоратларнинг мавжудлигига бевосита боғлиқ бўлган, шунинг учун 63 нафар (79,7%) беморларда лейкоцитлар

даражаси биринчи кунлардан бошлаб $>10,0 \times 10^9$ /л дан ошди. ЭЧТ (48/60, 7%) ва С-реактив оксил (14/17,7%) даражаси кўтарилган.

Антибиотик билан даволаниш бошлангандан кейин аксарият беморларда интоксикация белгилари камайди, томоқ оғриғи йўқолди, тана ҳарорати меъёрлашди.

Анамнезни йиғишда стрептококкли ангина билан оғриган 35 (44,3%) беморлар ўз касаллигини совуқ ичимликлар истеъмол қилиш билан боғлаган, 23 нафар (29,11%) беморда томоқ оғриғи билан оғриган беморлар билан алоқада бўлганлиги ва 21 (26,58%) беморлар ҳеч нарса билан боғланмаган.

Текширувларимизда 69 нафар (46,9%) беморларда касалликни кечишининг ўртача оғир шакли ва 78 нафар (53,1%) беморларда оғир шакли кузатилди. Касалликнинг оғирлик даражасини турли токсик кўринишларга (кардиореспиратор, гипертермик, қорин синдромлари) боғлиқ бўлди.

Тонзиллит ташхиси умумий қабул қилинган мезонларга асосланади: интоксикация синдроми, иситма, томоқлаги маҳаллий яллиғланиш белгилари.

Оғир шаклларда интоксикация белгилари қусиш, бош оғриғи, бош айланиши ва артралгия билан бирга кечган. Артралгия кўпинча катта бўғинлардаги оғриқлар, 21 (26,6%) катта ёшдаги беморларда эрталабки оғриқлар билан тавсифланган. Битта беморда ўткир тонзиллитнинг токсик шакли кузатилган.

Стрептококк ангина билан оғриган беморларни кузатиш жараёнида кўрсатмалар асосида ўтказилган қўшимча тадқиқотлар турли хил асоратлар аниқланди. Шундай қилиб, 56 (70,8%) беморда касалликнинг силлик, асоратсиз кечиши кузатилди, уларда тана ҳарорати нормаллашганда ва интоксикация белгилари ёқолганидан кейин характерли асоратлар кузатилмади. 23 нафар (29,2%) беморда ўткир тонзиллитнинг нотекис кечиши кузатилди, унинг сабаби лимфаденит, пиелонефрит, миокардит, пневмония ва сепси бўлди. 3-4 кундан кейин 3 (3,8%) беморларда лимфаденит аниқланди. Жағ ости лимфа тугунлари пайпасланганда катталашгани, оғриқликлиги аниқланди ва эрта асоратлари сифатида баҳоланди. Томоқ визуал кўрилганда ёрқин гиперемия, бодомсимон безлари шиши ва сариқ-оқ қопламалар билан лакуналарнинг тўлиқ қопланганлиги аниқланди.


Кечки асоратлар касаллик бошланганидан 6-10 кун ўтгач аниқланган. Шундай қилиб, пиелонефрит 8 (10,1%) беморда кузатилган, беморлар бел соҳасидаги оғриқларга, тез-тез сийишга, ўртача протеинурия (оксил миқдори 0,033-0,066 г/ л), лейкоцитурия (кўриш соҳасида), эритроцитурия (кўриш соҳасида) ва цилиндрурия кузатилган. Стрептококкли ангина билан оғриганлар орасида 4 (5,1%) беморда миокардит аниқланган. Миокардитга хос бўлган белгилар стрептококкли ангиналарнинг оғир шаклларида кучли интоксикация билан кечганда кузатилга. Миокардит белгилари асосан кекса

беморларда аниқланган ва юракнинг тез уриши, яққол ҳолсизлик, ҳансираш, юрак соҳасидаги оғриқлар, қўл оёқлардаги шишлар, тахикардия, аритмия, кўп терлаш билан намоён бўлган. Миокарди ташҳиси электрокардиографик (ЭКГ) текширув натижаларига кўра қўйилди. ЭКГ да ўтказувчанликнинг бузилиши, экстрасистолия, реополяризациянинг бузилиши, R тўлкинининг кучланишининг пасайиши аниқланган.

7 нафар (8,9%) беморларда зотилжам ривожланиши кузатилган. Иситма асносида зотилжам билан оғриган барча беморларда куруқ, кейин нам йўтал, нафас етишмовчилиги ва кўкрак қафасидаги оғриқлар кузатилган. Аускультацияда нам хирилашар ва крепитация эшитилди. Касалликнинг ўткир даврида периферик қон таҳлил қилинганда 2 (50%) беморга II даражали камқонлик ва 1 (25%) I даражали камқонлик ташҳиси қўйилган, бундан ташқари лейкоцитоз, нисбий нейтрофилёз, ЭЧТ 10 дан 20 мм/с гача тезлашиши кузатилган. Рентген текширувида майда ўчоқли соялар, ўпка расмини кучайиши аниқланган

Фибриноз-некротик ангина билан бир нафар (1,3%) беморда сепсис кузатилган, касаллик титроқ, иситма 39,5 °С гача кўтарилиши, ҳолсизлик, интоксикациянинг оғир белгилари, хансираш, нафас олишни қийинлашиши кузатилган. Марказий асаб тизими томонидан хушини йўқолиши ва атрофга ориентацияси бузилиши билан намоён бўлди. Текширувда терининг рангпарлиги, бўйин лимфа тугунларининг катталаниши, қаттиқлашиши ва айниқса пайпаслаш пайтида оғриши аниқланган. Бодом безларида йиринг қопламаларини безларидан ташқарига (танглай) тарқалганлиги аниқланган.

Шундай қилиб, *S.pyogenes* ажратилган 79 (100%) беморларнинг 23 (29,1%) тасида асоратлар қайд этилган (4-расм).



кўрсаткичлар орасида нисбатан ишончли ($p < 0,05$)

4-расм. Стрептококкли ангина билан оғриган беморларда асоратларни тахлилий натижалари

Беморларда миокардит (4/5,0%), пиелонефрит (8/10,1%), пневмония (7/8,8%), лимфаденит (3/3,8%) аниқланди. Битта нафар (1,2%) беморда ЎТ нинг токсик шакли билан сепсис ривожланиши кузатилди.

Шундай қилиб, ҳозирги вақтда *S.pyogenes* ўткир тонзиллит ривожланишининг энг кенг тарқалган патогенларидан бири бўлиб қолмоқда. Стрептококкли ангина билан текширилган беморлар гуруҳида клиник ва лаборатория белгилари касалликнинг ўткир бошланиши бўлиб, юқори иситма, томоқ оғриғи, ёрқин гиперемия ва бодомсимон безларининг гипертрофияси, артралгия ва гемограммадаги ўзгаришлар билан кечадиган оғир интоксикация белгилари билан намоён бўлади. Биз кузатган беморларда антибактериал дориларни эрта қўллашга қарамадан, миокардит, пиелонефрит, пневмония каби асоратлар қайд этилган, бу *S.pyogenes* нинг патоген хусусиятлари билан боғлиқ бўлиши мумкин. Буларнинг барчаси стрептококк инфекцияларини ташхислаш ва олдини олиш масалаларини янада ўрганишни, ушбу патогеннинг хусусиятларини аниқлашни талаб қилади.

Беморларда маълум синдромлар мавжуд бўлганда касалликнинг диагностикаси амалиётдаги шифокорлар касалликни аниқлаши учун диагностика муаммоларини босқичма-босқич ҳал қилишда йўналтиришни талаб қилади. Стрептококкли ангинанинг ташхисоти ҳам клиник ва лаборатория маълумотларининг комбинациясидан иборат. *S.pyogenes* оғир интоксикацияни келтириб чиқаради, бу умумий ҳолсизлик ва ланжлик, иситманинг юқори даражага кўтарилиши, бош оғриғи, миялгия, артралгия, болаларда диспепсия белгилари, уйқучанлик ва инжиқлик билан намоён бўлди. Оғир ҳолатларда беморларда фебрил талвасалар, онгнинг хиралашиши, алаҳсираш ва ҳушнинг йўқотиши кузатилди.

Streptococcus pyogenes томонидан кўзғатилган тонзиллитнинг маҳаллий белгилари бодомсимон безларнинг гипертрофияси, уларда йирингли қопламлар шаклланиши, ёрқин чекланган гиперемия, бўйни лимфа тугунларининг катталаниши, томоқ оғриғи, овознинг бўғилиши, бодомсимон безларининг ва фарингеал орқа деворнинг гиперемияси билан тавсифланади. Шишган бодомсимон безлар сариқ қоплама билан қопланган бўлиб, у осонгина чиқарилади, ғовакли тузилишга эга ва юмшоқ консистенцияга эга, аммо касалликнинг дастлабки даврида томоқдаги ўзгаришлар қопламаларсиз ёрқин гиперемия билан чегараланади.

Streptococcus pyogenes ни аниқлашида асосий лаборатор диагностикаси - бактериологик ва серологик усуллар билан тадқиқотларни ўтказишдан иборат.


Экспресс-диагностика усуллари ПЗР ва ИФТ ўз ичига олади. ПЗР усули тест намунасида стрептококк ДНКсини тез аниқлайди ва ИФТ ёрдамида кон ёки бошқа биоматериалда стрептококк антигени аниқланади. Ушбу усуллар ўзига хос ва тезкор деб ҳисобланишига қарамай, улар анъанавий бактериологик текширувга қараганда сезгирлиги камроқ. Шунинг учун бу тестларнинг салбий натижалари текширув усули билан тасдиқланиши керак.

Умумий клиник қон таҳлили стандарт ташхисот усули бўлиб, бактериал

яллиғланишнинг ўзига хос белгиларини очиб беради: лейкоцитоз, ЭЧТ даражасининг тезлашиши, формуланинг чапга силжиши.

Бизнинг тадқиқотимизда ўткир тонзиллит билан касалхонага ётқизилган барча беморлар бактериологик текшириш учун бодомсимон безлардан суртма олиш билан бирга *S.pyogenes* ни аниқлаш учун *STREPTATEST* (Dextra Pharm, Франция) экспресс диагностикаси ўтказилди. Бактериологик тадқиқот натижалари билан қиёсий таҳлил қилинган экспресс-тест натижалари бактериологик тадқиқотлар билан тасдиқланган стрептококк этиологияси, ўткир тонзиллит билан касалланган 53 нафар беморнинг 47 (88,7%) ҳолатда стрептотест мусбат бўлган, бундан ташқари 26 (33%) беморда бактериологик текширувларда *S.pyogenes* аниқланмасдан стрептотест натижалари мусбат бўлди.

Диссертациянинг «**Ўткир тонзиллит билан оғриган беморлардан ажратилган *S.pyogenes* нинг микробларга қарши дори воситаларига сезгирлигини текшириш натижалари**» деб номланган тўртинчи бобида текширилган беморлардан ажратилган *S.pyogenes* ни 53 та штаммининг микробларга қарши препаратларига (МҚП) сезгирлиги бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари келтирилган. Ажратилган штаммларнинг микробларга қарши препаратларга сезгирлигини аниқлашда микробларга қарши қуйидаги гуруҳ препаратларини EUCAST (2018 й.) тавсияларига мувофиқ амалга оширилди: пенициллинлар (бензилпенициллин 1 ТБ), цефалоспоринлар (цефотаксим, цефтазидим), карбапенемлар (меропенем), фторхинолонлар (норфлоксацин), гликопептидлар (ванкомицин), макролиды (эритромицин), тетрациклины (тетрациклин 30 мкг), линезолидлар 10 мкг, хлорамфеникол 30 мкг (5-расм).



4-расм. *S.pyogenes* нинг микробларга қарши препаратларга сезгирлиги натижалари (n=53)

Ўткир тонзиллит билан беморлардан ажратилган *S.pyogenes* нинг 53 та штаммининг антибиотикларга сезувчанлигини ўрганиш натижалари

пенициллинлар гуруҳига, шунингдек, моксифлоксацин, ванкомицин, меропенем ва линезолид каби захира антибиотиклар гуруҳига нисбатан юқори 100% сезувчанлигини кўрсатди. Шу билан бирга, 32 (60,4%) ҳолатда тетрациклинга ва 17 (32,1%) ҳолатда эритромицинга чидамли бўлган. Ҳозирги вақтда ўткир тонзиллитда антибактериал препаратни тайинлаш учун энг оқилона кўрсаткич *S.pyogenes* ни аниқлаш ҳисобланади. Томоқ-халқумда *S.pyogenes* ни аниқлаш усули бир вақтнинг ўзида ташхис қўйилмаслиги ва натижада асоратларнинг ривожланишига йўл қўймаслик ва кераксиз дорилардан фойдаланишни камайтириш учун ўта юқори ўзига хосликка эга бўлиши керак.

Тавсияларга кўра, *S.pyogenes* нинг пенициллинларга сезгирлиги уларнинг бензилпенициллинга сезгирлиги асосида баҳоланади, бизнинг тадқиқотимизда сезгир бўлмаган изолятлар аниқланмаган. Аммо, агар бензилпенициллинга чидамли изолятлар аниқланса, идентификация ва сезувчанликни такрорлаш ва изолятни референс лабораториясига юбориш керак.

S.pyogenes бета-лактамазаларни ишлаб чиқармайди, шунинг учун ингибиторлар билан ҳимояланган бета-лактамлани кўллаш клиник фойда келтирмайди. *S.pyogenes*, шунингдек, бошқа гуруҳлар (В, С ва G) стрептококкларининг цефалоспоринларга, карбапенемларга сезувчанлиги уларнинг бензилпенициллинга сезгирлиги асосида баҳоланади. Шу муносабат билан олинган маълумотлар, агар керак бўлса, *S.pyogenes* келтириб чиқарадиган касалликларни даволаш учун цефалоспоринлардан фойдаланишни тавсия қилиш имконини беради.


Тавсияларга кўра, норфлоксацин билан диск-диффузион усул (ДДУ) *S.pyogenes* нинг фторхинолонларга сезувчанлигини аниқлаш учун скрининг усули сифатида ишлатилиши мумкин. Бизнинг тадқиқотимизда барча *S.pyogenes* изолятлари норфлоксацинга сезгир бўлди ва бу тавсияларга кўра, левофлоксацин ва моксифлоксацин каби бошқа фторхинолонларга сезгир деб ҳисобланади. Норфлоксацинга сезгир бўлмаган изолятлар изоляция қилинган тақдирда, ҳар бир препаратга сезгирликни алоҳида аниқлаш керак.

Антибиотикларнинг захира гуруҳлари, ванкомицин, меропенем, линезолидга сезувчанлик синовлари натижаларига келсак, ажратилган *S.pyogenes* штамmlарининг 100% сезувчанлиги аниқланди. Ванкомицин захирадаги антибиотикларга киради, *S.pyogenes* нинг ванкомицинга сезгир бўлмаган изолятлари ўта кам учрайди ёки ҳали аниқланмаган, тавсияларга кўра, бундай изолятлар аниқланган барча ҳолларда идентификация ва сезувчанликни такрорлаш ва изолятни референс лабораториясига юбориш керак.

Макролид антибиотикларининг *S.pyogenes* штамmlарига сезгирлигини текширишда эритромицин дисклари скрининг сифатида ишлатилган, ўз навбатида эритромицин азитромицин, кларитромицин ва рокситромицинга сезувчанлигини аниқлаш учун ишлатилиши мумкин. Тадқиқотларимизда эритромицинга 32,1% ҳолларда, тетрациклинга эса 60,4% ҳолларда чидамлилиги аниқланган. Тетрациклинга сезгир бўлган изолятлар

доксциклин ва миноциклинга ҳам сезгир. Бироқ, баъзи тетрациклинларга чидамли изолятлар миносиклин ва/ёки доксисиклинга сезгир бўлиши мумкин.

6 -расмда стрептококкли ангина билан оғриган 79 беморда шифохонага ётқишидан олдин дастлабки антибиотик терапиясини таҳлил қилиш натижалари кўрсатилган. Шундай қилиб, ҳеч қандай ҳолатда стрептококкли ангина учун касалхонадан олдинги даврда бензилпенициллин қўлланилмаган, аммо цефтриаксон (40,7%) ва ципрофлоксацин (34,3%) ҳолатларда танланган антибиотиклар бўлган.



5-расм. Стрептококкли ангина билан оғриган беморларнинг шифохонагача бўлган босқичда дастлабки даволашнинг таҳлили натижалари (n=79)

Тақдим этилган 6-расмдан кўриниб турибдики, тонзиллитнинг стрептококкли этиологиясига қарамай, касалхонага ётқирилган босқичда беморларнинг фақатгина 40,5% антибиотик терапиясини олган, асосан цефтриаксон (40,7%) ва ципрофлоксацин (34,3%).

Бироқ, бактериологик тадқиқотларга кўра, беморлардан *S.pyogenes* ажратилган ва бензилпенициллинга 100% сезгирлиги аниқланган. Олинган маълумотлар, эрта ташхис қўйиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш ва ўткир тонзиллитни, айниқса амбулатор шароитида эмпирик антибиотик терапиясига ёндашувларни такомиллаштириш зарур деган хулосага келди.

Стрептококкли тонзиллитининг клиник ва лаборатор хусусиятларини ўрганиш, Стрептотест экспресс-тестидан фойдаланиш (Франция), бактериологик текширув маълумотларига асосланиб, биз ўткир тонзиллит беморларда босқичма-босқич ташхис қўйиш ва антибиотик терапияси бўйича тавсиялар ишлаб чиқдик (7-расм).

Шикоятлар: томоқда оғриқ, тана ҳароратининг кўтарилиши, интоксикация.



Беморнинг тиббий кўруви

- Интоксикация ривожланмаган
- томоқ ва бодомча безларининг гиперемияси
- бодомча безларида шиллик қоплама
- катарал белгилар (аксириш, ринит, конъюнктивит)



S. pyogenes аниқлашга Экспресс-тест
S. pyogenes аниқлашга Экспресс-тест
S. pyogenes ва бошқа патогенларни аниқлаш учун бодомча безлари суртмасини бактериологик текширув
Умумий қон таҳлили (лейкоцитоз)
Ўрқин чегараланган

S. pyogenes аниқлашга Экспресс-тест
S. pyogenes аниқлашга Экспресс-тест
S. pyogenes ва бошқа патогенларни аниқлаш учун бодомча безлари суртмасини бактериологик текширув
Умумий қон таҳлили (лейкоцитоз)
Ўрқин чегараланган

- гиперемия
- бодомча безлари гипертрофияси
- бодомча безларида шилликли ёки йирингли қоплам
- оғиздан бадбўй ҳид келиши
- жағ ости лимфа

Йўқ



Ҳа



Ҳа



Йўқ



6-Расм. Ўткир тонзиллитларни ташхислаш ва антибактериал даволаш бўйича тавсиялари

Беморларда маълум синдромлар мавжудлигида диагностик изланиш алгоритми якуний мақсадга эришиш - касалликни аниқлаш учун амалиётда ташхисот муаммоларини босқичма-босқич ҳал қилишга йўналтирилган. Амалий қулайлик ва клиник вазиятларни ҳисобга олган ҳолда, биз болалар ва катталардаги ангина касалликлари учун ташхисот алгоритмининг тақдим этамиз. Ташхисот кўлами диапазони ва шифокор ҳаракатларининг оптимал кетма-кетлиги турли хил клиник ва лаборатор кўрсаткичларининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги билан белгиланади.

Стрептококкли тонзиллитни ташхислаш бўйича замонавий тавсиялардан фойдаланиш касалликнинг эрта этиологик ташхисини кўйиш, стрептококкли тонзиллит билан оғриган беморларни даволаш самарадорлигини ошириш имконини беради. Бундан ташқари, беморларни даволашда эрта антибиотик билан даволаш қиммат антибиотикларни, антибиотик терапиясининг бир неча курсларни буюришни камайтиради ва асоратларни ривожланишни олдини олиш, кўшимча диагностика ва реабилитация тиббий муолажаларини камайтириш имконини беради, шунингдек ўткир тонзиллитларнинг бактериал этиологиясини истисно қилиш антибиотикларни асоссиз буюришни олдини олади, бу эса микроорганизмларга қарши антибиотикларни чидамлилигини ортишини камайтиришга имкон беради.

ХУЛОСАЛАР

«Стрептококкли ангина, ташхисоти ва даволаш йўллари» такомиллаштириш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ўткир тонзиллитларнинг ривожланишида *S. pyogenes* асосий кўзгатувчи бўлиб қолмоқда: бизнинг тадқиқотимизда бактериологик ва *STREPTATEST* экспресс-тести билан 35,4% ҳолларда стрептококкли ангина аниқланган ва текширилган беморларда ўткир тонзиллитларнинг этиологик таркиби *Staphylococcus aureus* (18,8%), *Staphylococcus aureus+Candida spp.* (12,2%), *Staphylococcus spp.* (6,7%), *Staphylococcus epidermidis* (5,4%) лардан иборат бўлган, 33,2% беморларда кўзгатувчини аниқлашнинг имкони бўлмади.

2. Замонавий босқичда стрептококкли ангиналарнинг клиник-лаборатор хусусиятлари – касалликнинг ўткир бошланиши, интоксикациянинг кучли

намоён бўлиши, юқори ҳарорат, томоқда оғриқ, ярқираган гиперемия ва бодомсимон безларнинг гипертрофияси, артралгия, нейтрофилли лейкоцитоз билан кечиши, асоратларни ривожланиши (29,2%) билан ЭЧТ ва С-реактив оқсилнинг ошиши бўлиб қолмоқда.

3. Экспресс тестдан (*STREPTATEST*) касалликнинг илк кунларида стрептококкли ангинанинг ташхисоти учун фойдаланилиши, стрептококкли ангинанинг ташхисоти вақтини қисқартириш, бактерияларга қарши даволашга қиёсий ёндашиш имконини беради.

4. Касалхонага ётқизишгача бўлган босқичда ўткир тонзиллитларни даволашнинг таҳлили натижалари, ушбу касалликни даволашда бензилпенициллиндан умуман фойдаланилмаганлигини кўрсатди. Касалхонага ётқизишгача бўлган босқичда ўткир тонзиллитни даволашда цефтраксон (44,8%) ва ципрофлоксацин (19,8%) фойдаланилган.

5. *S.pyogenes* ажратилган беморларга фақатгина 40,5% ҳолатларда антибиотиклар (цефтриаксон, азитромицин, ципрофлоксацин) билан даволаш бошланган. Олинган маълумотлар бактериал тонзиллитнинг гиперташхисотини ва айни пайтда стрептококкли тонзиллитнинг гипоташхисотини тасдиқлайди.

6. *S. Pyogenes* нинг ажратилган штамmlарини микробларга қарши препаратларга сезгирлигини ўрганиш натижалари, пенициллинлар гуруҳига 100% сезгир эканлигини кўрсатди, макролидлар ва тетрациклинларга эса чидамли эканлигини аниқланилиши, *S. pyogenes* келтириб чиқарадиган инфекцияларни даволашда ушбу препаратлардан фойдаланишни чеклаш зарурлигидан далолат беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОЙ
МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ, РЕСПУБЛИКАНСКОМ
СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОМ
МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ ЭПИДЕМИОЛОГИИ,
МИКРОБИОЛОГИИ, ИНФЕКЦИОННЫХ И ПАРАЗИТНЫХ
ЗАБОЛЕВАНИЙ**

**АНДИЖАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ
ИНСТИТУТ**

УСМАНОВА ЭЛМИРА МАМАРАФИКОВНА

**СТРЕПТОКОККОВАЯ АНГИНА, СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПУТЕЙ
ДИАГНОСТИКИ И ЛЕЧЕНИЯ**

14.00.10 – Инфекционные болезни

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2019.2.PhD/Tib905.

Диссертация выполнена в Андижанском государственном медицинском институте, Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре эпидемиологии, микробиологии, инфекционных и паразитарных заболеваний.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tma.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Таджиева Нигора Убайдуллаевна**
доктор медицинских наук, доцент

Официальные оппоненты: **Ибадова Гулнара Алиевна**
доктор медицинских наук,
профессор
Худайкулова Гулнара Каримовна
доктор медицинских наук, доцент

Ведущая организация: **Ташкентский
педиатрический
медицинский институт**

Защита диссертации состоится на заседании Научного совета Ташкентской медицинской академии, Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре эпидемиологии, микробиологии, инфекционных и паразитарных заболеваний DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 «_____» _____ 2022 г. в _____ часов, (Адрес: 100109, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Фаробий, дом 2. Тел./факс: (+99878) 150-78-25; e-mail: tta2005@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована за _____). Адрес: 100109, г. Ташкент, Алмазарский район, улица Фаробий, дом 2. Тел./факс: (+99878) 150-78-14.

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2022 года.
(реестр протокола рассылки № _____ от «_____» _____ 2022 года).

Л.Н. Туйчиев
Председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, доктор медицинских наук,
профессор

Х.Ю. Ахмедова
Член Научного совета по присуждению ученых
степеней, доктор медицинских наук, доцент

Б.М. Таджиев
Заместитель председателя научного семинара при
Научном совете по присуждению ученых степеней,
доктор медицинских наук, доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Стрептококковая инфекция (СИ) является одной из наиболее серьезных проблем во всем мире, что определяется широким распространением стрептококков группы А и значительным социально-экономическим ущербом, наносимым данной патологией. Актуальность СИ связана с его распространенностью, высокой заболеваемостью, различными клиническими формами и их осложнениями, а также распространенностью эпидемического процесса особенно среди детей. В период высокой заболеваемости «... смертность от этой инфекции составляет 20-25%»¹. Распространенность первичного ревматизма и его осложнений, диффузного гломерулонефрита, гнойно-некротического лимфаденита, гнойного отита тесно связаны со стрептококковой ангиной. По данным ВОЗ, на поражение сердца, вызванное стрептококковой инфекцией, приходится 37-75% всех сердечных заболеваний.

В мире проводится ряд исследований для достижения высокой эффективности мер, направленных на повышение качества медицинских услуг, предоставляемых пациентам со стрептококковой инфекцией. В этой связи, изучение значимости возбудителя *S. pyogenes* при остром тонзиллите; определение генетических характеристик штаммов *S. pyogenes*, выделенных от пациентов, и их устойчивости к антимикробным препаратам; внедрение системы рационального применения противомикробных препаратов при остром тонзиллите; выявление факторов риска развития осложнений после стрептококковой ангины и разработка методов их профилактики; разработка и внедрение методов ранней диагностики стрептококковой ангины; разработка и внедрение современной системы лечебно-реабилитационных мероприятий для больных стрептококковой ангиной считается одной из актуальных проблем.

На сегодняшний день развитие медицины в нашей стране требует адаптации медицинской системы к требованиям мировых стандартов, изучению распространения, диагностики, лечения и профилактики инфекционных заболеваний и снижения осложнений. Для этого определены задачи «... по повышению эффективности, качества и доступности медицинской помощи, поддержки здорового образа жизни и профилактики заболеваний, в том числе путем формирования системы медицинской стандартизации, внедрения высоко-технологичных методов для диагностики и лечения, эффективных моделей патронажа и диспансеризации»². Решение поставленных задач позволит повысить качество оказания медицинской помощи больным стрептококковой инфекцией, в частности стрептококковой ангины.

¹ Брико, Н.И. Болезни, вызываемые стрептококками группы А в начале XXI века: проблемы и перспективы профилактики / Н.И. Брико // Эпидемиология и инфекционные болезни. - 2010. - № 2.- С. 3 - 6.

²Указ Президента №-5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» от 7 декабря 2018 года.

Данное диссертационное исследование в определенной степени соответствует задачам, обозначенным в Указах Президента Республики Узбекистан: № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017–2021 годы» от 7 февраля 2017 года, № УП-4985 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы экстренной медицинской помощи» от 16 марта 2017 года, № УП-5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» от 7 декабря 2018 года, № УП-3071 «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» от 20 июня 2017 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологии республики: VI «Медицина и фармакология».

